

Тошкент округ маориф ходимлари курултойида (1927 йил) сўзланган нутк

Маърузачининг таъбири бўйинча, бизнинг муаллимларимиз ичида мактаб бошка-ю, сиёсат бошка, деядургон кишилар бор эмиш.

Мактаб кайси синф кўлида бўлса, шу мактабларда шу синфнинг мафкуриси таркалади ва илгари сурилади. Бу гапга кўнмаганларни янглишгон, ўжар кишилар, деб айтишга жасорат киламиз. Жаидчиликка кандай баҳо бериш тўғрисида куйидаги асосларни келтираман: жаид мактаби кай вақтда ва кимлар кўли билан вужудга чиқди? Мана бунини текшириш учун 20 йил илгарига қараш, албатта, лозим. Хозирги пайтда ўрта маълумотга эга бўлган кишилар Масков ва бошка жойларга бориб ўқишни хавас қилса, авваллари саводи чиққан (хар) бир киши Бухоро(га) бориб ўқишни ўзи учун бир шараф деб билар эди. Чунки улар илмни фақат дингина деб билар эдилар. Мухит ҳам шуни такозо қилар эди. Ўша вақтнинг ҳукумати ҳам шу фикрни қувватламаса, ундай эмас. Жаид мактабини ташкил қилгонлар ҳам эски мактаб, мадраса ва қорихоналарнинг етиш-тирган кишилари эди. Улар ёлғиз Богчасаройда чиқадургон Исмоил Гаспринскийнинг газетасини ўқидилар ва шу орқали мактабни яхши тушуниб, китоблар олдиран эди. Буларга баҳо янглиш ва ортикча берилган. Чунки ўша вақтдаги жаид мактабига уламо, бой — ҳамма ва ҳамма қарши эди. Жаидлар шароит ичинда(н) жасорат билан чиқиб иш бошлагон эканлар, буларга бериладургон баҳо ҳам шундан ортик бўлмаслиги лозим эди.

Жаидлар шу мактабга яхши назар билан қарагон кишиларни ўзига дўст қўриб, қучоғига тортар эди. Буларнинг бой, рухоний, савдогар бўлишидан қатъи назар, секин-секин жаидлар дўсти қўпайиб, турли гуруҳлардан иборат бир жаидлар тўдасини ташкил қилди.

Инъомовни жаидларни алоҳида синф қилиб қўрсатиши номаъқул гап. Жаидлар, палисининг қўрқинчи қаттиқ бўлса ҳам, қийинчиликларни ўз устига олиб, газет қикорди ва уни халққа тарқатди. Жаидларнинг энг азоб тортигон даври Керенский вақти бўлди. Керенский вақтида идораларга уламолар миниб олди. Мактабга ёрдам бериш у ёқда турсин, (хатто) чор ҳукумати вақтида берилиб келган моҳиёналар ҳам берилмади. Тўхтади. Уламоларнинг ўша вақтдаги қучга молик бўлгонларини жаидлар думга 11 та, уламолардан 65 та вақил сайланиши билан исбот қиламан. Жаидлар ўз уламолари, бойларига қарши рус социалистлари билан бирга қўлга-қўл бериб ишлади.

Қўкон мухториятини рус меньшевиклари тузди. Чўкаев унга жуда яқин эди. Убайдулла Хўжаев, Низомиддин[1]лар мухториятга қатнашди. Ўша вақтда жаидларнинг отаси бўлиб ҳисобланган мен ўзим лоқал «Миллат мажлиси»га аъзо бўлиб ҳам сайланмадим. Жаидлардан Қўкон мухториятига қисман аралашгон кишилар бўлса ҳам, қўпчилик четда тургон.

Яна бир гап борки, жаидлар Октябрь инқилобини яхши қарши олмаган эмишлар. Октябрь инқилобини рус ишчилари қилганини ҳеч ёшириб бўлмайди. Биз уларнинг тайёрига айёр бўлиб ишлай бошладик. Октябрдан кейин жаидлар Керенский

сикинтисиндан кутулди. Мактабларни ҳукуматга бериб, ўзлари шўро муассасаларида ишлай бошладилар. Октябрь ўзгаришига жаидлар рахбарлик килди, дейиш ҳам, Октябрни улар яхши карши олди, дейиш ҳам хато гап.

Жаидлар Октябрь инкилобига ёмон караган бўлсалар эди, 20—21-йилларгача шўро идораларида ишлаб келмас эдилар. 21-йилдан бошлаб жаидлар катта хато килди. Турккомиссия томонидан килингон харакатларни мустамлакачилик, дедик. Хакикатдан улар мустамлакачи экан, уларга карши курашмай, бутун ишни ташлаб, араз килиб, ўзимизни четга олишимиз катта хато бўлган. Шу ишимизга пушаймон килиб, шу вақтгача ишлаб келсак ҳам, хизматларимиз хатомизни ювиб кетар даражага бормаганга ўхшайди.

Чор ҳукуматини йикитиш жаидларнинг тилагида бор эди. Сиёсий вазифамиз ва мақсадимиз ҳам шундан иборат бўлиши яширин эмас. Наинки биз жаид мактаби очиш билан савдо хизматчилари, бошқача таъбир билан айтганда, дўконда насия ёзадургон ходимлар етказсак. Шу ишга аклли одам шу бахони беришда у ёк, бу ёкни мулохаза килсин. Жаид мактаби очишимизга сиёсий ва маданий курашчилар тайёрлаш бахоси берулмаганига таассуб билдира олмай ўта олмайман. Бу ерда шуни ҳам айтиб ўтиш лозимки, ўша вақтдаги жаид мактабини битириб чйккан баъзи йигитларимиз хозир масъул ўринларда туради. Жаидлар чор ҳукуматини йикитиб, Туркия ёки Польшага ўхшаш бойлар ҳукумати ташкил килади, деган назариялар ҳам йўк эмас эди.

Ўша вақтда бир мажлисда рус мустамлакачилари билан курашамиз, деган эдим. Агар борди-ю, рус ўртоқлар шу гапимга араз килиб «Ол, мамлакатингни, ўзинг идора кил!» деса, мен уларнинг оёгига ёпишиб, энг аввал айтар эдимки, биз сиз билан эмас, сизнинг бойингиз, уламоингиз ва мустамлакачиларингиз билан курашамиз, дер эдим. Жаидларнинг шўро ҳукуматига дўстлигини куйидаги хужжатлар билан исбот киламан: январъ инкилобида 12 соатлик ҳукумат бўлди. Ростовский ва Абдусафийхонлар одам кидириш режасини тузди. Шунда жаидлар кочиб ётди. Качонки большевиклар голиб бўлди, деган хабар эшитилгандан кейин чикиб, большевикларга карши бўлгонларни суд килиб, отиб юборилди.

Биз халқнинг ахволи рухияси билан хисоблашиб, ер ислохоти, паранжи масалаларини 30 йилсиз хал кила олмас эдик. Большевиклар фиркаси бу ишни ўн йилда бажариб кўйди, биз ўша вақтда зиёлий деб русларнинг ўрта ва олий мактабларида ўкугон кишиларни айтар эдик. Жаидлар билан коммунистларнинг хаёти боғлангон эди. Булар ўлса ўлади, тирилса тирилади. Ўлгунча инкилобни химоя килишга тайёр. Жаидларнинг бир, иккитасидан гуноҳ ўтган экан, хаммасини коралаш яхши эмас.

«Кизил Ўзбекистон» газетаси, 1927 йил, 7 июнь

[1] Низомиддин Хўжаев назарда тутилмоқда.